

СЎЗ САЊАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 4 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 8, НОМЕР 4

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 8, ISSUE 4



СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА | INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№4 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2025-4>

Бош муҳаррир:
Тўхтасинов Илҳом
п.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Главный редактор:
Тухтасинов Илхом
д.п.н., профессор (Ўзбекистан)

Заместитель главного редактора:

Editor in Chief:
Tuhtasinov Ilhom
DSc. Professor (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахиммамед
к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шнукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Туробов Бекпулат
масъул қотиб, PhD, доцент
(Ўзбекистон)

Мўминова Маъсума Ғолиб қизи
ф.ф.д., (PhD) вб. доцент

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистан)

Якуб Умар оғли
д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Джўраев Маматкул
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Куренов Рахиммамед
к.ф.н. (Туркменистан)

Кристофер Джеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Балтабаев Ҳамидулла
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Дўстмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Сиддикова Ирода
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Шнукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Туробов Бекпулат
отв. секретарь, PhD, доцент
(Ўзбекистан)

Муминова Масума Ғолиб қизи
PhD и.о. доцент

EDITORIAL BOARD

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Umarchodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammadov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Turobov Bekpulat
PhD Ass. prof. Senior Secretary
(Uzbekistan)

Mo'minova Ma'suma
PhD Acting Docent
(Uzbekistan)

PageMaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

1. Tajibayeva Latofat Farxodovna TABIAT VA INSON MUNOSABATLARINING ADABIYOTDA AKS ETISHI.....	5
2. Syuy Myao КРАТКОЕ РАССМОТРЕНИЕ ЯЗЫКОВОЙ И РИТОРИЧЕСКОЙ ЭСТЕТИКИ В «ЗОЛОТОЙ ЦЕПИ» ЧЖАН АЙЛИН.....	9
3. Najmiyeva Po‘lotoy Tilavmurodovna O‘ZBEK VA YAPON TILLARIDA KELISHIK QO‘SHIMCHALARI VA YAPON TILIDAGI KELISHIK PARTIKULALARINING MORFOLOGIK HAMDA SINTAKTIK MOHIYATI.....	14
4. Lutfilloeva Faxriniso Maxmudovna ЯПОН МИЛЛИЙ МАФКУРАСИДА ТИЛ ОМИЛИ ВА УНИНГ ИДЕОЛОГИК КОНЦЕПЦИЯСИ.....	20
5. Shaniyazov Jenisbay Ungarbaevich TURKIY VA INGLIZ TILLARIGA MUSHTARAK SO‘ZLAR HAQIDA.....	25
6. Ergasheva Tursunoy Abdukaюmovna ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИФИ ВА SALES TAX АТАМАЛАРИНИНГ ПРАГМАЛИНГВИСТИК ҚИЁСИЙ ТАХЛИЛИ.....	29
7. Xolikov Bahodir DEV O‘ZBEK MIFOLOGIYASI DOMINANT OBRAZALARIDAN BIRI SIFATIDA.....	34
8. Nilufar Abduraxmonova, Mahliyo Eshmamatova PARALLEL KORPUS ASOSIDA RAVISHDOSHLI BIRIKMALARNING SEMANTIKASI VA STRUKTUR MODELARI TADQIQI.....	40
9. Hasanova Sevinch Hotam qizi THE MULTILEVEL STRUCTURE OF THE LANGUAGE SYSTEM AND ITS CONCEPTUAL INTERPRETATION IN TRANSLATION THEORY.....	52
10. Namazova Manzura Urakovna O‘ZBEK ADABIYOTIDA PSIXOLOGIZM (O‘ZBEK ROMANLARI ASOSIDA).....	58
11. Mavloнова Наргиза Алишеровна ПРИНЦИПЫ ОТБОРА ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ СООТВЕТСТВИЙ И ИДЕОГРАФИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ АНГЛИЙСКИХ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ И ИХ СООТВЕТСТВИЙ В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ.....	63
12. Ismailov Anvar Rustamovich CHET TILI O‘QITUVCHILARNING PEDAGOGIK KOMPETENSIYASINING MOHIYATI.....	70
13. Achilova Zuxra Qurbonovna “MALLA SAVDOGAR” DOSTONI VARIANTLARIDA AVAZXON BILAN BOG‘LIQ SAFAR MOTIVI VA VAQT KULTI.....	75
14. Abduraxmonova Nilufar Zaynobiddin qizi, Xoljurayeva Yulduz Sobir qizi O‘ZBEK TILIDAGI NORP OBYEKTLARINI BIOES ANNOTATSIYA SXEMASI ASOSIDA ANIQLASH.....	88
15. Kim Татьяна Сергеевна ДИСКУРСИВНЫЙ АНАЛИЗ НОВОСТНОГО ТЕКСТА КОРЕЙСКИХ ГАЗЕТ.....	96
16. Лазиза Джиянбаева РАНГ КОМПОНЕНТЛИ ТУРФУН БИРИКМАЛАР.....	102
17. Laziza Dzhiyanbayeva SOCIAL CHARACTERISTICS OF COLOR SEMANTICS.....	108
18. Makhammatkulova Diyora Nodirovna, Makhammatkulova Iroda Nodirovna, Rahimov Nodir Makhammatkulovich DIGITAL FOOTPRINT AS A PHENOMENON OF MODERN EDUCATION.....	114

19. Boboyev Ulash Ne'matovich OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI TILINING LEKSIK IMKONIYATLARI (GAZETA TILI MISOLIDA).....	120
20. Файзуллаева Мохинорабегим Бехзодбек кизи СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ РЕЧЕВЫХ АКТОВ ИЗВИНЕНИЯ В КИТАЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ.....	124
21. Rashidova Muxlisa, Sobirova Madina Mahmudjon qizi UNIVERSAL DEPENDENCIES MODELI DOIRASIDA SINTAKTIK ANNOTATSIYALANGAN KORPUSLARNI TAHLIL QILISH.....	129
22. Ишниязова Шахноз Ашировна МИФОЛОГИЧЕСКОЕ МЫШЛЕНИЕ И ТОТЕМИЧЕСКИЕ МОТИВЫ В УЗБЕКСКОЙ ПРОЗЕ XX ВЕКА: К ПРОБЛЕМЕ ТИПОЛОГИЧЕСКОЙ БЛИЗОСТИ С ПРОИЗВЕДЕНИЯМИ ЧИНГИЗА АЙТМАТОВА.....	135
23. Тошбекова Дилором Исмоиловна СОПОСТАВИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ СТРУКТУРНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ ИРОНИЧЕСКИХ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ.....	143
24. Умурова Гузал Хотамовна ПСИХОЛОГИЯ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ТВОРЧЕСТВА - ЗНАЧИМОСТЬ КОМПЛЕКСНОГО ПОДХОДА К ИЗУЧЕНИЮ И ОРГАНИЗАЦИИ ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.....	149
25. Даминова Фазода Ирисовна ТЕОРЕТИКО-ИСТОРИЧЕСКИЕ И МИРОВОЗЗРЕНЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ДРЕВНЕРУССКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ.....	154
26. Усманова Салиха Юлдашевна ИЗ ИСТОРИИ ИЗУЧЕНИЯ ВВОДНО-МОДАЛЬНЫХ ЕДИНИЦ В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКОЗНАНИИ.....	161
27. Hakimov Muxamadali Rafikovich ITALYAN TILIDA "ERKAKLIK" GENDER TUSHUNCHASINING LEKSIK-SEMANTIK VA LINGVOMADANIY TAHLIL.....	170
28. Lola Ibragimova INGLIZ VA O'ZBEK FRAZELOGIYASI: STRUKTUR-SEMANTIK VA LINGVOMADANIY XUSUSIYATLAR (SOG'LIQ-SALOMATLIK MAQOLLARI MISOLIDA).....	176
29. Nazirova Munisa Mirzakamalovna MODAL BIRLIKLARNING LINGVISTIK VA PRAGMATIK ASOSLARI.....	182
30. Sharipov Raufjon Elmurod o'g'li AKADEMIK G'ANIJON ABDURAHMONOVNING "TARIXIY SINTAKSIS" ASARIDA QO'SHMA GAPLAR EVOLYUTSIYASI.....	186
31. N.Z.Abduraxmonova, Salomat Otamurodova MASHINA TARJIMASI VA LINGVISTIK JARAYONLAR.....	191
32. Davlatova Hulkaroy Uktamovna BOLALARDA TIL VA TAFAKKURNING SHAKLLANISHI: LINGVOKOGNITIV YONDASHUVDA NAMOYON BO'LISHI.....	198




ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

Лазиза Джианбаева,
Мухтор Ауэзов номидаги
Жанубий Қозоғистон университети,
“Техника мутахассисликлари учун
хорижий тиллар” кафедраси
ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи

РАНГ КОМПОНЕНТЛИ ТУРҒУН БИРИКМАЛАР

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.19322567>

АННОТАЦИЯ

Ранг компотентли турғун бирикмалар тилнинг вадимийлигини, маданий бойлик сифатидаги қимматини англатади. Зеро, рангларларнинг иборалардаги семантикаси хусусида гапирадиган бўлсак, бир ранг номи ижобий маъно ҳам, салбий маъно ҳам ифодалашга хизмат қилиши мумкин. Одатда, оқ ранг инсон психологиясида ижобий маъно касб этувчи тушунча ҳисобланади. ушбу мақолада ранг тушунчаси билан боғлиқ турғун бирикмалар, яъни мақол, матал ва ибораларнинг семантик хусусиятлари таҳлил қилиниб, уларнинг ижобий/салбий/нейтрал бўёқдорлиги миллий-маданий контекстга боғлиқлиги, турлича талқин қилиниши, ижтимоий муҳит ва замон таъсирида ўзгариб бориши мумкинлиги ёритилган.

Калит сўзлар: ранг компонентли бириклар семантикаси, ижобий бўёқдор иборалар, салбий бўёқдор иборалар, маданий белгилар, ижтимоий белгилар.

Laziza Dzhiyanbaeva,

In the name of Mukhtar Auevov
South Kazakhstan University,
"For technical majors
department of foreign languages
teacher, independent researcher

STABLE COMPOUNDS WITH COLOR COMPONENTS

ABSTRACT

Color-compotent stable compounds represent the language's validity and its value as a cultural asset. After all, if we talk about the semantics of colors in expressions, one color name can serve to express both a positive and a negative meaning. Generally, white color is a positive concept in human psychology. This article analyzes the semantic characteristics of stable associations related to the concept of color, that is, proverbs, sayings, and expressions, and highlights the fact that their positive/negative/neutral connotation depends on the national-cultural context, can be interpreted differently, and can change under the influence of the social environment and time.

Лазиза Джиянбаева,
Южно-Казахстанский университет,
Имени Мухтара Ауэзова
"Для технических специальностей
кафедра иностранных языков
преподаватель, независимый исследователь

УСТОЙЧИВЫЕ СОЕДИНЕНИЯ С ЦВЕТОВЫМИ КОМПОНЕНТАМИ

АННОТАЦИЯ

Цветокompотентные устойчивые соединения отражают ценность языка и его культурную ценность. Ведь, если говорить о семантике цветов в выражениях, одно и то же название цвета может выражать как положительное, так и отрицательное значение. Белый цвет, как правило, является позитивным понятием в психологии человека. В данной статье анализируются семантические характеристики устойчивых ассоциаций, связанных с понятием цвета, то есть пословиц, поговорок и выражений, и подчеркивается тот факт, что их положительная / отрицательная / нейтральная коннотация зависит от национально-культурного контекста, может интерпретироваться по-разному и меняться под влиянием социальной среды и времени.

Турғун бирикмалар (фразеологизмлар, идиомалар, мақоллар) тилнинг бойлиги ва маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Ранглар билан боғлиқ турғун бирикмалар энг кўп учрайдиган ва семантик жиҳатдан энг бой қатлам ҳисобланади. Улар рангларнинг психологик, маданий ва рамзий маъноларини ўз ичига олади.

С.Т.Исроилованинг фикрича, “Ранглар у ёки бу халқнинг ижтимоий-маданий ҳаёти, урф-одати, маросими, қадимий қарашлари билан чамбарчас боғлиқ. Халқларнинг мифологик ва диний қарашлари ҳам рангларда турлича акс этади. Бундан ташқари халқларнинг ижтимоий ҳаёти, географик муҳити ҳам рангларга нисбатан муносабатнинг хилма-хиллигига олиб келади”[1; 59 - 60].

Муаллиф шу маънода, миллий-маданий тушунчалар, фольклоризмларга хос ранг компонентли бирликларни таҳлилга тортади. Жумладан, “кўк бўри” этноними хусусида фикр юритар экан, анъанавий “кўпкари” миллий ўйинининг номи қадимги “кўк бўри” тотемига бориб тақалиши, олтой ва қирғиз тилида ана шу ном сақланиб қолганлиги айтилади.

З.Ш.Жумаеванинг “Фразеологик бирликларнинг семантик ва лингвокультурологик тадқиқи” диссертациясида “оқкўнғил”, “оқ ювиб, оқ тарамоқ”, “оқи оқ, қизили қизил” “оқ қилмоқ”, “ичи қора”, “оқ сутини оққа, кўк сутини кўкка соғмоқ” “оқ фотиҳа”, “қора саҳифа”, “оқнадар”, “оқ-қорани таниган”, “кўзининг оқу қораси”, “манглайи оқ бўлсин” “қосаси оқармаган”, “оқ туя кўрдингми – йўқ, кўк туя кўрдингми – йўқ” ва ҳ.к. сингари ранг компонентли фразеологизмлар семантик нуқтаи назардан самимийлик, меҳрибонлик, гўзаллик, хурсандчилик каби ижобий ҳамда норозилик, ҳасадгўйлик, дангасалик каби салбий коннотация касб этиши тадқиқ қилинган. [2;].

Н.Улухўжаев ўз мақоласида ўзбек тилидаги ранг билан боғлиқ фразеологизмларнинг маданий жиҳатдан “тўйинтирилган”лигини англаш учун уларнинг ички мажозий асосини ўзбек тили ҳамжамиятининг рамзий “мақони”да талқин қилиш кераклигига урғу беради. Бу фразеологик бирликларнинг маданий ва миллий ўзига хослигини ўрганишда жуда муҳимдир. Маданий коннотация фразеологик бирликларнинг ички шаклида мавжуд бўлади, чунки у фразеологик бирликка миллий ва маданий тус берадиган элементларни ўз ичига олади. Маданий элементларни акс эттирувчи ўзбек фразеологик бирликлари инсон ҳаётининг кўплаб соҳалари билан боғлиқ. Бундан ташқари, улар халқнинг кундалик эмпирик тажрибаси билан ҳам, моддий маданият соҳаси билан ҳам, халқнинг тарихий тажрибаси билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин [3; 213 – 215].

Қуйидаги жадвалда турли манбаларда берилган ранг компонентли иборалар жамланган:

Иборалар	Ш.Раҳматуллаевд а	З.Ш.Жумаевд а	Н.Улухўжаевд а
<i>бахтиқаро</i>			+
<i>дили сиёҳ</i>	+		
<i>ичи қора</i>	+	+	+
<i>ичи қоралик</i>			
<i>қора иш</i>			+
<i>қора ишчи</i>			+
<i>қораси юқади</i>			+
<i>косаси оқармаган</i>		+	
<i>кўзининг оқу қораси</i>	+	+	
<i>кулини кўкка совурмоқ</i>	+		
<i>кўкка кўтармоқ</i>	+		
<i>манглайи оқ бўлсин</i>		+	
<i>оқ билан қорани ажратмоқ</i>	+		
<i>оқ йўл</i>			+
<i>оқ кўнгил</i>		+	
<i>оқ қарға</i>			+
<i>оқ қилмоқ</i>		+	
<i>оқ-қорани билмоқ</i>	+		
<i>оқ-қорани танимоқ</i>	+		
<i>оқ-қорани тушунмоқ</i>	+		
<i>оқ-қорани фарқ қилмоқ</i>	+		
<i>оқ сутини оққа, кўк сутини кўкка соғмоқ</i>		+	
<i>оқ суяк</i>			+
<i>оқ туя кўрдингми – йўқ, кўк туя кўрдингми – йўқ</i>	+	+	
<i>оқ фотиҳа</i>		+	+
<i>оқ ювиб, оқ тарамоқ</i>		+	+
<i>оқи оқ, қизили қизил</i>		+	
<i>оқкўнгил</i>			
<i>оқ-қорани таниган</i>		+	
<i>оқпадар</i>		+	
<i>юраги қора</i>	+		

қора ботир			+
қора кунлар			+
қора саҳифа		+	
қора терга ботмоқ	+		+
қора терга тушмоқ	+		
қора юрак	+		+
қораси ўчди	+		+
қорасини кўрсатмаслик	+		+
қорачиғи қинидан чиқиб кетди			+

Мазкур жадвалда берилган ранг компонентли бирикмаларда айрим изоҳталаб ўринлар мавжуд. Масалан, “қорачиғи қинидан чиқиб кетди” бирикмасини, бизнингча, ранг компонентли иборалар қаторига қўшиш тўғри эмас, негаки, қорачиқ лексемаси ясама сўз бўлиб, рангни эмас, қўз қисмини ифодалайди, яъни сўздаги ранг семаси хиралашган. Шунингдек, *қулини кўкка совурмоқ кўкка кўтармоқ* ибораларида ҳам “кўк” лексемаси ўз маъносини йўқотиб, метонимия асосида янги – “осмон” маъноси юзага келган. “Манглайи оқ бўлсин” жумласи этнографик бирлик бўлиб, дуо маъносидаги нуткий этикет ҳисобланади.

Рангларнинг иборалардаги семантикаси хусусида гапирадиган бўлсак, бир ранг номи ижобий маъно ҳам, салбий маъно ҳам ифодалашга хизмат қилиши мумкин. Одатда, оқ ранг инсон психологиясида ижобий маъно касб этувчи тушунча ҳисобланади. *Оқ йўл, оқ фотиҳа, оқ кўнгил, оқи оқ, қизили қизил, оқ ювиб, оқ тарамоқ* каби фразеологик бирикмаларда ижобийлик оттенкаси ифодаланса, *оқпадар, (ота-онасига) оқ бўлмоқ, оқ қарға, косаси оқармайди* каби тил бирликлари салбий бўёқдорликка эга. *Оқ-қорани танимоқ, оқ-қорани фарқламоқ* бирикмаларида нейтрал маъно ифодаси англанади.

Оқ йўл – сафарда, хайрли ишларда омад тилаш.

Яхши кунларида устоз деб йўқлаб келганларида, касбимдан минг карра фахрланиб кетаман. Ҳар бир битирувчимга оқ йўл тилайман. (Ўқитувчи тилаги)

Оқ фотиҳа – дуо, рухсат, ижобий тилаклар билдириш.

Хоразм ва Тошовуз вилояти оқсоқоллари, мутасаддилар видеоалоқа орқали барчани ушбу воқеа билан табриклаб, қурилишини бошлашга рухсат сўради. Ўзбекистон ва Туркменистон Президентлари бу хайрли ишга оқ фотиҳа берди.

Оқ-қорани фарқламоқ, оқ-қорани ажратмоқ – яхши-ёмонни ажратмоқ.

Оқ-қорани таниб улгурмаган, яхши-ёмоннинг фарқига бормаган айрим ёшлар интернет орқали узатилган айрим маълумот-хабарларни мутлоқ ҳақиқат деб қабул қилиши ҳолатлари учраётгани кишини жиддий хавотирга солади. (А.Усмонов, nasafziyo.uz)

Шунингдек, ўзбек тилида *қизил* ранг компонентли ибораларда ҳам ижобий ва салбий мазмун ифодаланса, *қора* ва *сарик* лексемалари, қандай тил бирлиги бўлишидан қатъи назар, асосан, салбий бўёқдорлик, *яшил* лексемаси эса фақат ижобий бўёқдорлик ҳосил қилиши кузатилади. Бу эса миллий ментал тушунчалар билан боғлиқ когнитив жараён натижаси ҳисобланади. Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, мифологик ва тасаввуфий қарашлардаги қора лексемасининг “буюклик”, “қудратлилик”, “улуғворлик” семемалари бугунги ментал тасаввурлар учун хиралашган, шунинг учун замонавий ибора ва мақолларда бундай семантик мазмунга хос вариантлар учрамайди.

Қизил чизиқ – қатъий чегара, тақиқ, ўтиб бўлмайдиган нарса.

Қизил ип бўлиб ўтмоқ – изчилликни, ўзаро боғлиқликни таъминлайдиган восита. Бу ибора публицистик услубга хосланган.

Унинг юртга бўлган юксак муҳаббати мана шу китобда қизил ип бўлиб ўтади.

Яшил чироқ - Ижозат, руҳсат, тўсиқсиз йўл.

Қора кунлар – бошга иш тушган, оғир, мусибатли давр.

Қора ният – ёмон ниятли, фитначи, ёвуз киши.

Қора доғ – шаънига доғ тушмоқ, обрўсизлик, шармандалилик.

Қора бозор – ноқонуний, қиммат ёки контрабанда моллари сотиладиган бозор.

Юзи қора – шаънига доғ тушган, шармандалик, уят.

Сарик матбуот ёлғон, шубҳали, савиясиз нашр. Шармандали, жанжалли воқеаларни ёритишни мақсад қилиб олган, сийқа, саёз, паст сифатли матбуот ҳақида.

Сарик чақа 1) чақа (пул); жуда оз миқ дордаги, арзимас пул. Мана, хотиним ётиб қолди, ёстикдан бошини узишга дармони йўқ. Киссамда сарик чақа йўқки, бечоранинг оғзига ёқар овқат берсам. Ойбек, Танланган асарлар; 2) жуда паст, арзимаيدиган; эътиборга лойиқ эмас.

Сарик чақалик (ёки чақага арзимаидиган) Ҳеч нарсага арзимаидиган, бир пулга қиммат, арзимас. – *Сўзни тангадай жаранглатиб сўзлашга устасиз. Аммо ҳозирги сўзингиз пучак, сариқ чақага арзимаиди, – деди Мирҳайдар.* Ойбек, О. в. шабадалар. (ЎТИЛ, 3-жилд, 450-б.)

М.Содиқова сарик чақа маъносида *қора чақа, қора пул* иборалари ҳам қўлланиши ва улар орқали «жуда арзимаган», «қиммати йўқ», «озгина» каби маънолар ифодаланишини айтиб ўтади.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, ранг билан боғлиқ турғун бирикмаларнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида маданий ва ижтимоий омиллар иштирокини кузатиш мумкин. Масалан, *оқ туя кўрдингми – йўқ, кўк туя кўрдингми – йўқ косаси оқармаган, оқ фотиҳа, оқнадар* каби ибораларда туя, коса, фотиҳа, отага оқ бўлмоқ каби элементлар миллий-маданий ҳаёт билан боғлиқ нарса ва тушунчаларни ифодаласа, *сариқ матбуот, сариқ чақа, қора бозор, яшил чироқ* ибораларининг шаклланишида муайян ижтимоий тузумга хос белгилар мавжуд.

Айталик, матбуот тушунчаси нисбатан кейин пайдо бўлган тизимни англатади ва *сариқ матбуот* ана шу тизимнинг салбий баҳоланувчи қисми ҳисобланади. Шу каби *чақа* сўзи ҳам айрим ижтимоий тузум даврлари учун хизмат қилган пул бирлигини билдиради ва *кичик, арзимас, қиймати паст* семаларига эга. Сарик лексемаси билан бирикканда ана шу семалари янада бўртиб юзага чиқади ва иборанинг семантик бўёқдорлигини кучайтиради. Светофорнинг қизил, яшил ва сариқ ранглари муайян семиотик вазифа бажаради ва транспорт – йўл қатновида муҳим аҳамиятга эга восита ҳисобланади. Яшил рангнинг “йўл очиқ” семантик функциясининг абстрактлаштирилган ҳолда ижтимоий муносабатларга нисбатан қўлланиши ортидан “яшил чироқ” ибораси пайдо бўлди. Шу тариқа, айрим маданий ва ижтимоий белгилар ранг компонентли ибораларнинг юзага келишини таъминлайди.

Мақол ва маталларда ҳам ранг билан боғлиқ коннотатив мазмун халқ тафаккуридаги **ахлоқий мезонлар асосида** юзага келади. Айниқса, *оқ ↔ қора* антоним жуфтлиги орқали **яхшилиқ – ёмонлик, бахт – мусибат** қарама-қаршиликлари ифодаланади. **Қизил, яшил, кўк** каби ранглар эса табиат ва ҳаёт рамзлари сифатида ижобий маъно касб этади. Бундай мақол ва маталларда инсоннинг ички дунёси ва ахлоқий фазилатлари, турмуш тарзи масалаларига бағишланган фикрлар ранг билан боғлиқ мушоҳадалар орқали ифодаланади.

Оқ танганг ортиқ бўлса, қора кунингга сақла.

Қассобга оқ қўй ҳам бир, қора қўй ҳам бир.

Гадога оқ халта ҳам бир, кўк халта ҳам.

Қизил юзни саргайтма, азиз қўлни қавартир.

Қизил тилим бўлмаса, қишлар эдим элимда.

Қизил тилим тиёлмадим, қизимникига боролмадим.

Юз қизили кетар, юз хижили кетмас.

Юзи қаттиқ насиб этмаганни ер.

Юзи қизилни уялтириб бўлмас.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, ибораларга нисбатан мақол ва маталларда мантикий боғланиш кучли бўлиб, рангларни зидлантириш усули орқали фикр таъсирчанлигини оширишга эътибор қаратилади. Масалан, **оқ танганг ортиқ бўлса, қора кунингга сақла** мақолида “имкониятинг борида заҳира қилиб қўйсанг, керакли кунингда асқотади” деган фикр ётади. Бу эса одамни хушёр ва тежамкор, тадбирли бўлишга чақиради. **Қизил юзни саргайтма, азиз қўлни қавартир** мақолида ҳам қизил лексемасига хос ижобийлик ва сариқ ранг орқали ифодаланадиган салбийлик оттенкаси яширин тарзда тўқнашади ва “қизил юзингни сарғайтириб, бировдан ёрдам сўрагандан кўра, ўзинг меҳнат қилиб имкон топ” маъносини ифодалайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жумаева З.Ш. Фразеологик бирликларнинг семантик ва лингвокультурологик тадқиқи: Филол.фанлари бўйича фалс. д-ри (PhD) дисс...автореф. – Жиззах, 2021.
2. Исроилова С.Т. Ментал бирликларда ранг компонентли бирликлар // Problems of research and Education of the Uzbek language. A collection of scientific articles and theses of the International Scientific and Practical Conference. – Toshkent: UzMU, 2022. – В.59-66
3. Улухужаев Н. Фразеологизмы узбекского языка с цветовыми компонентами // Молодой учёный . № 7 (193), № 2, 2018. – Б. 213-215.
4. Новиков А.И. Семантика текста и ее формализация. – М.: Наука, 1983 Б. 62
5. Сайфуллаева Р.Р., Менглиев Б.Р., Боқиева Г.Х., Курбонова М.М., Юнусова Б.Қ., Абузалова М.Қ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. Т.: 2006. Б. 72
7. Седов К.Ф. Дискурс и личность: эволюция коммуникативной компетенции// https://diskurs_i_lichnost Б. 67

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000